

ISSN 2181 - 7286

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР



ISSN 2181-7286

6/2022

# **Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар**

## МУНДАРИЖА

### ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

|                                                                                                                                                 |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Химматалиев Д.О., Эрназарова М.Ж.</b> Бошланғич синф ўқувчиларининг интеллектуал қобилиятларини кластерли ёндашув асосида ривожлантириш..... | 5  |
| <b>Қораев С.Б.</b> Экологик компетентли мутахассис шахсини шакллантириш йўналишлари.....                                                        | 8  |
| <b>Мухамедова Г.Б.</b> Чет тилларини ўқитишда муаммоли ёндашув.....                                                                             | 11 |
| <b>Мавлонов Р.А.</b> Фанлараро интеграцион ўқитиш асосида касбий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик технологияларини лойиҳалаш.....     | 15 |
| <b>Искандарова Г.П.</b> Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш масалалари.....                                              | 19 |

### ИҚТИСОД

|                                                                                                                                                                |    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Худайбердиев З.Я</b> Подготовка квалифицированных кадров для строительной индустрии в условиях внедрения энергоэффективных технологий: новые тенденции..... | 22 |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган, 2007 йил 22 январь, № 0205 сонли гувоҳнома.  
ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК рўйхатига 2019 йил 1 январдан, Педагогика ва психология бўлими 2019 йил 25 июндан киритилган.

Журнал зарегистрирован в агентстве по печати и информации Узбекистана 22.01. 2007 года, регистрационное свидетельство №ISSN 2181-72860205.  
Экономический отдел с 1 января 2019 года отдел Педагогики и психологии с 25 июня 2019 года включены в список ВАК

The journal is registered by Uzbekistan Agency of press and information registration: certificate N 0205 on. ISSN 2181-7286. The economic department since January 1, 2019 department Pedagogy and psichology since June 25, 2019 are included in the list of the highest attestation commission

## БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

### РАЗВИТИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ НА ОСНОВЕ КЛАСТЕРНОГО ПОДХОДА

### DEVELOPMENT OF INTELLECTUAL ABILITIES OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS ON THE BASIS OF A CLUSTER APPROACH

**Химматалиев Д.О.** (педагогика фанлари доктори, профессор  
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика университети)  
**Эрназарова М.Ж.** (Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти  
Педагогика ва психология йўналиши магистранти)

*Ушбу мақолада бошлангич синф ўқувчиларининг интеллектуал қобилиятларини кластерли ёндашув асосида ривожлантириш йўллари, дидактик ўйинлардан фойдаланиш. Дидактик ўйинларнинг мазмун-моҳияти ва ўқувчиларни интеллектуал қобилиятларини оширишда ўқитувчи ва ота-онанинг ўрни ҳақида маълумотлар ёритиб берилган.*

**Калит сўзлар:** таълим, бошлангич синф, ота-она, ўқувчи, ўқитувчи, дидактик, интеллектуал, интерфаол, қобилият, технология, кластер.

*В данной статье рассмотрены способы развития интеллектуальных способностей учащихся начальных классов на основе кластерного подхода, с использованием дидактических игр. Освещается информация о содержании дидактических игр и роли педагогов и родителей в совершенствовании интеллектуальных способностей учащихся.*

**Ключевые слова:** образование, начальный класс, родитель, ученик, учитель, дидактический, интеллектуальный, интерактивный, умение, технология, кластер.

*In this article, ways to develop the intellectual abilities of elementary school students based on a cluster approach, using didactic games. Information about the content of didactic games and the role of teachers and parents in improving the intellectual abilities of students is highlighted.*

**Key words:** education, primary class, parent, student, teacher, didactic, intellectual, interactive, ability, technology, cluster.

Интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар – бу халқаро андозалардаги замонавий тараққиётни таъминлай оладиган мустақил фикрли, малакали, билимли, юксак инсоний фазилатларга эга кадрлардир. Мустақил Ўзбекистонда эса интеллектуал салоҳияти юқори кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган давлат сиёсатини юритиб келинмоқда. Бу йўлда амалга оширилган асосий вазифаларидан бири мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришга асос бўладиган янги таълим тизимининг ташкил этилишидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022—2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида Фармони [1] бунга яққол мисол бўла олади.

Унга кўра мактаб ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув методик мажмуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, халқ таълими муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларини барпо этиш мақсадида, шунингдек, 2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастури [2] ишлаб чиқилди.

2021 йил 1 сентябрдан таълим жараёнига янги Миллий ўқув дастурини жорий этила бошланди. Бу дастур дарсликларида ўқувчиларни оғзаки нутқини ўстириш ҳамда мантикий фикрлашини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларни интеллектуал қобилиятларини ўстиришга хизмат қилади. Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган бугунги кун ёшларини интеллектуал салоҳиятини оширишни айнан бошланғич синфларданок бошлаш керак. Бунинг учун бизнинг таълим тизимимизда дидактик ўйинлар ва методлар мажмуи борлиги айтиш ҳақиқат. Биз эса бу борадаги ишларда ота-она ҳамкорлигини ҳам кенг йўлга қўйишни таклиф қиламиз. Яъни таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини кластерли ёндашув асосида ривожлантириш. Хўш бу ишни қандай қилиб самарали ташкил қилсак бўлади? Бизга маълумки, ҳар чоракда мактабларда ва синфларда ота-оналар йиғилишлари ўтказилади. Ота-она ҳамкорлигини самарали ташкил қилиш учун энг аввало ана шу мажлисларни ўтказиш жараёнида ота-оналарни IQ даражасини текшириб олиш керак. Бу жараёнида ўқув йилини бошида биринчи ўн кунликка режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўқитувчи ўзига бириктирилган синф ўқувчиларининг таълим олишида юқори натижага эришишни олдига мақсад қилиб қўяр экан, ўқувчини билимларни ўзлаштиришдаги ўзигагина хос бўлган сифатларини англай олиши даркор. Фарзандга ота-онадан ўтадиган тафаккур даражаси унинг фанларни ўзлаштиришидаги муҳим омиллардан бири саналади. Чунки ўқувчининг IQ даражасига жиддий таъсир кўрсатадиган асосий сабаблардан бири бу ирсиятдир. Шу сабабли ҳам ота-оналар мажлисини ташкил қилиш ва уларнинг IQ даражасини аниқлаб олиш зарур. Қуйида ота-оналарнинг IQ даражасини аниқлашга қаратилган саволлардан намуналар келтирамиз.

Масалан:

- Нима енгилроқ : 100 кг темир ёки 100 кг пахта ?
- Овқат қилишдан олдин қозонга нима ташланади?
- Оч қоринга нонуштага нечта тухум ейиш мумкин?
- Қайси йил атиги бир кун бўлади?
- Машина кетаётганда қайси ғилдираги айланмайди ?
- Жўжани боласи нима дейилади ?
- Автобусдан тушишдан олдин нима қилиш керак ?
- Қора мушук уйга қачон осон киради?
- Алишер Навоий Амир Темурга қайси тилда хат ёзган?
- Мендаги пул Сардорникига қараганда 5 минг сўм кўп. Агар менда 20 минг сўм пул бўлса, Сардорнинг қанча пули бор?
- Тасаввур қилинг, сиз фермерсиз ва фермада жонзотларни озиқлантираяпсиз. Фермадаги 5 та сигирнинг ҳар бирига 2 боғдан, 8 та қўйнинг ҳар бирига 1 боғдан ва 2 та хўкизнинг ҳар бирига 3 боғдан пичан бердингиз. Топширик: Ушбу фермернинг исмини аниқланг.

Бу каби тезкор савол-жавоб орқали ота ёки онадаги қобилият даражасини аниқлангандан сўнг, бу қобилият фарзандга қай даражада ўтганлиги текшириб чиқиш мумкин бўлади. Чунки олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти IQ даражаси кўп жиҳатдан ирсий генларга боғлиқ эканлигини кўрсатади. IQ кўрсаткичларига таъсир қилувчи яна бир сабаб - индивидуал генлар (оддий одамнинг мия фаолияти тахминан 17 000 генга боғлиқ). Индивидуал генлар шахснинг мавжуд IQ даражасига маълум даражада таъсир қилади. IQ даражасига таъсир қилиши мумкин бўлган учинчи сабаб - бу атроф-муҳит. Албатта, инсон атрофидаги ҳамма нарса (айниқса, оила) унинг ривожланишига таъсир қилади. Тадқиқотлар жараёнида бундай қарамликнинг кўплаб омиллари аниқланган. Улар оиланинг даромади, уйнинг катталиги ва унинг нархи, барча оила аъзолари ўртасидаги ривожланаётган муносабатлар ва бошқаларни ўз ичига олган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, интеллектнинг ривожланиши инсон фаолиятининг барча турларига таъсир қилади, лекин инсоннинг интеллектуал қобилияти даражаси танланган фаолият соҳасига қараб фарқланади.

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг IQ даражасини ошириш мақсадида ёш хусусиятлари, саводхонлик даражалари, шахсий табиатларига кўра дидактик ўйинлар орқали эвристик суҳбатлар лойиҳалаштириш асосидаги методлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади. Агар ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқувчи ўзининг ўзлаштириш имконияти даражасида топшириқлар олиб ишласа у юқори сифат ва самарадорликни эришган бўлар эди.

Таълим жараёнларини дидактик ўйинлар орқали амалга оширилганда интерфаол ўйинли методлар ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган бўлади. Улар ўқувчи шахсидаги ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш ва ривожлантиришнинг амалий ечимларини аниқлаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эгадир. Шу ўринда интерфаол ўйинларнинг асосий турларига тўхталиб ўтсак: интерфаол ўйинларнинг асосий турлари - интеллектуал (ақлли) ва ҳаракатли ҳамда аралаш ўйинлардан иборат. Булар ўқувчиларда ақлий, жисмоний, ахлоқий, маънавий, маърифий, психологик, эстетик, бадий, тадбиркорлик, бунёдкорлик, меҳнат, касбий кўникмаларни ривожланишига ёрдам беради. Бу методлар ўқувчини ички имкониятларини ишга тушишига, ўйлашга, эркин фикр юритишга, мулоқотга, ижодкорликга етаклайди. Айниқса, ўқувчида атроф - муҳит, ҳаётни билишга қизиқиш ортади, учраган қийинчилик, тўсиқларни қандай енгиш ва танқидий фикрлаш кўникмалари шаклланади.

Таълим - тарбия жараёнида асосан ўқувчиларда таълим олиш мотивларини, уларни тури йўналишлардаги қобилият ва қизиқишларини оширадиган, бирор касбга мойилликларини кўрсатадиган, интерфаолликка асосланган дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Интерфаол ўйинлар назарий, амалий, жисмоний, ролли, ишчанлик ва бошқа йўналишдаги турларга ажратилади. Улар ўқувчиларда таҳлил қилиш, ҳисоблаш, ўлчаш, яшаш, синаш, кузатиш, солиштириш, хулоса чиқариш, мустақил қарор қабул қилиш, гуруҳ ёки мустақил жамоа таркибида ишлаш, нутқ ўстириш, тил ўргатиш янги билимлар олиш фаолиятларини ривожлантиради. Интерфаол ўйин турларини танлашда қуйидаги мезонларга риоя қилиш яхши натижалар беради:

-иштирокчиларни таркиби бўйича, яъни ўғил болалар, қиз болалар ёки аралаш гуруҳлар учун ўйинлар :-иштирокчиларнинг сони бўйича - якка, жуфтликда, кичик гуруҳ, катта гуруҳ, синф жамоаси, синфлараро ва оммавий тарздаги ўйинлар.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш мақсадида “Тушунчалар таҳлили”, “Чархпалак”, “Зинама-зина” сингари методлар билан бир қаторда “Ўзим текшираман”, “Бўлиши мумкин эмас”, “Ортиқчасини топ”, “Жуфтини топ” сингари дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

“Тушунчалар таҳлили”, “Чархпалак”, “Зинама-зина” методларида бошланғич синфларда ўтиладиган барча ўқув фанларида фойдаланиш мумкин. Ушбу методлардан дарс жараёнида фойдаланилганида жуфтликда ёки кичик гуруҳларда ишлаш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда бошланғич синф ўқувчиларининг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришда ўқитувчи нафақат интерфаол методлар ва дидактик ўйинлардан фойдаланиши, балки ўқиш, ўзлаштириш жараёнига оналарни ҳам жалб қила олиши таълим сифатини ошишига олиб келадиган омиллардан бири ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ғозиев. Э Жабборова. А “Фаолият ва ҳуқ-атвор мотивацияси” Т. 2003й
2. Бўтаева. Ҳ “Бошланғич синф ўқувчиларида ақлий тараққиёт шаклланишининг психологик хусусиятлари” References
3. Goziyev. E Jabborova. A “Motivation for activity and behavior” Т. 2003y
4. Botayeva. H "Psychological features of the formation of mental development in primary school students" "Science and Education" Scientific Journal June 2021 / Volume 2 Issue 6 [www.openscience.uz](http://www.openscience.uz)483

### **ЭКОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИ МУТАХАССИС ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ**

#### **НАПРАВЛЕНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ СПЕЦИАЛИСТА С ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТЬЮ**

#### **DIRECTIONS FOR THE FORMATION OF THE PERSONALITY OF AN EXPERT WITH AN ECOLOGICAL COMPETENCE**

**Қораев С.Б.** (Чирчиқ давлат педагогика университети мустақил тадқиқотчиси)

*Мақолада шахснинг имкониятларини, шу жумладан шахсий сифатларини максимал даражада ҳисобга олган ҳолда, унинг ўзига хослиги ва бетакрорлигига, унинг олдиндан кўриш, мақсад қўйиш, ўз-ўзини яратиш, ўзини ўзи такомиллаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш, рефлексия қобилиятларини ривожлантириш жараёнига йўналтириш, экологик компетентли мутахассис шахсини шакллантириш йўналишлари ёритиб берилган.*

**Калитли сўзлар.** Таълим, ривожланиш, шахс, имконият, сифат, мақсад, рефлексия, қобилият.

*В статье с учетом возможностей человека, в том числе его личностных качеств, к его уникальности и неповторимости, к процессу его предвидения,*